

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY
XULOSA**

RE45132141

1. Loyihaning turi : Shartnoma

2. Loyihaning nomi:

Ijrochi "Invent dizayn servis" MChJ buyurtmachi "Yangiqo'rg'on tuman Xalq ta'lim bo'limi" o'rtasida 7 mln 200 ming 000 so'mlik 4-sonli umumta'lim maktabini joriy ta'mirlash uchun loyixa smeta tayyorlash yuzasidan shartnoma tuzish to'g'risida.

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot: Yangiqo'rg'on tuman xalq ta'limi tomonidan 02.11.2022 yilda kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Yangiqo'rg'on tumani
yuridik markazi
bosh yuristkonsulti:**



J.A. Yunusov
03.11.2022

МУХОКАМА АХБОРОТИ

01.11.2022 йил

Янгикўрғон шаҳри

Наманган вилояти ҳудудидаги Янгикўрғон туман Халқ таълими бўлими томонидан 2022 йил “ 20” октябрдаги №22110012166723 сонли лотга асосан Ўзбекистон республикасининг 2021 йил 22- апрелдаги 684-сонли “Давлат харидлари тўғриси”даги қонуни 56 ва 58 – моддалари талабларидан келиб чиқиб энг яхши таклифларни танлаш тури бўйича Янгикўрғон туман Халқ таълими бўлимига қарашли Бирлашкан ҚФЙ жойлашган 4- мактабни эшик ва деразаларини алмаштириш учун_ лойиҳа- смета ва экспертиза ҳужжатлари тайёрлаш (иш,хизмат) учун харидлар амалга оширилиши режалаштирилган. Шунга асосан белгиланган муддатлар асосида Ўзбекистон республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги 684-сонли “Давлат харидлари тўғриси”даги қонуни – 60 ва 61 моддалари талабларидан келиб чиқиб танлов савдолари ўтказилди. Мазкур танлов савдолари якуни бўйича “INVENT DIZAYN SERVIS” МЧЖ ва “GRAND SANOAT LOYIHA” МЧЖ томонидан берилган таклифлар комиссия аъзолари иштирокидан “INVENT DIZAYN SERVIS ” МЧЖ энг мақбули деб топилди.

Ушбу танлов жараёнлари бўйича расмийлаштирилган баённомалар “Давлат харидлари тўғриси”даги қонуни 62-моддасига асосан давлат буюртмачиси томонидан расмийлаштирилган кунда давлат харидларининг электрон тизимида муҳокама қилиш учун икки иш кунига жойлаштирилди. Шунга асосан икки иш кун ичида танлаш иштирокчилари томонидан танлаш ўтказиш натижалари бўйича эътирозлар келиб тушмади. Юқоридаги ҳолатлардан келиб чиқиб, давлат буюртмачиси ва харид комиссияси томонидан ғолиб деб топилган иштирокчи ўртасида шартнома тузилиши мумкин ҳисобланиши белгилаб олинди. Муҳокама учун белгиланган муддат тугаганидан кейин келиб тушган эътирозлар харид комиссияси томонидан кўриб чиқилмайди.

Янгикўрғон туман ХТБ мудирининг

Бош ҳисобчиси






А.Қаюмов

У.Исламов

ШАРТНОМА

4/137-2022-сон.ги шартнома

Янгикурган тумани

2022 йил "01" ноябрь

"Инвент дизайн сервис" МЧЖ номидан низом асосида иш юритувчи Б.Холмирзаев бир томондан (бундан буён матнда "Бажарувчи" деб юритилади) ҳамда Янгикурган туман Халк таълими бўлими номидан низом асосида иш юритувчи А.Қаюмов иккинчи томондан (бундан буён матнда "Буюртмачи" деб юритилади) куйидагилар ҳақида мазкур шартномани туздик:

I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. "Бажарувчи" ушбу Шартнома иловасида кўрсатилган спецификацияга мувофиқ Янгикурган тумани халк таълими бўлимига қарашли 4-умумтаълим мактабини жорий таъмирлаш учун лойиҳа ва смета (экспертиза хулосаси) ҳужжатларини тайёрлаш ишларини бажариш мажбуриятини олади, "Буюртмачи" ушбу хизматларни қабул қилиш ва ҳақини тўлаш мажбуриятини олади. Кўрсатиладиган хизматларнинг катъий турлари, миқдори ва баҳоси ушбу шартноманинг ажралмас қисми бўлган спецификацияда келтирилади.

II. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУКЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

2.1. Буюртмачининг ҳуқуқлари:

- бажарувчидан техник шартларга лозим даражадаги хизматларни кўрсатишни талаб қилиш;
- лозим даражадаги сифатда хизмат кўрсатилмаган тақдирда, ўз хоҳишига кўра куйидагиларни талаб қилиш:
 - камчиликларни бепул бартараф этиш ёки Буюртмачининг ёки учинчи шахснинг камчиликларни бартараф этишга доир харажатларини қоплаш;
 - баҳосини мутаносиб равишда пасайтириш;
 - шартнома шартларининг бажарилмаганлиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарарни қоплашни талаб қилиш.

2.2. Буюртмачининг мажбуриятлари:

- ушбу Шартнома шартларига мувофиқ кўрсатилган хизматларни қабул қилиш;
- ушбу Шартноманинг 3.1 ва 3.2-бандларига мувофиқ кўрсатилган хизматлар учун тўловларни амалга ошириш.

2.3. Бажарувчининг ҳуқуқлари:

- буюртмачидан амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда ва ҳажмда кўрсатилган хизматлар учун олдиндан тўлов ва якуний ҳисоб-китобларни амалга оширишни талаб қилиш;
- буюртмачидан бажарилган ишни қабул қилишни асоссиз равишда рад этиш натижасида етказилган зарарни қоплашни талаб қилиш;

2.4. Бажарувчининг мажбуриятлари:

- ушбу шартномага мувофиқ ёки Буюртмачининг ушбу шартноманинг 4.8-бандида белгиланган тартибда у томонидан тақдим этилган техник тошшириққа биноан хизматларни белгиланган муддат, миқдор ва сифатлар бўйича кўрсатиш;
- агар хизмат кўрсатиш жараёнида Бажарувчи шартнома шартларидан ва техник шартлардан четга чиқса, Буюртмачининг талабига биноан уч кун ичида аниқланган барча камчиликларни бепул бартараф этиш.

III. ШАРТНОМА БАҲОСИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

3.1. Ушбу шартноманинг баҳоси 7 200 000 (Етти миллион икки юз минг) сўм, ҚҚС билан.

Кўрсатиладиган хизматларнинг баҳоси ушбу шартноманинг иловасида кўрсатилади.

3.2. Буюртмачи тақдим этиладиган хизматнинг 30 фоизи миқдорида олдиндан тўловни амалга ошириш ва маблағ Бажарувчининг ҳисобрақамига келиб тушган санадан бошлаб ушбу шартноманинг мажбуриятлари бажарилиши бошланади.

Кўрсатилган хизматлар учун ҳисоб-китобнинг қолган қисми бажарилган ишлар тўғрисидаги шартнома имзоланганидан кейин уч иш куни ичида амалга оширилади.

3.3. Хизматлар бўйича ҳисоб-китоблар банк ўтказмаси орқали Бажарувчининг ҳисоб рақамига ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

IV. ШАРТНОМАНИ БАЖАРИШ

4.1. Шартнома шартлари ушбу шартнома ва қопун ҳужжатлари талабларига мувофиқ белгиланган тартибда амалга оширилади.

Агар томонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаган бўлса, шартнома бажарилган деб ҳисобланади.

4.2. Шартномани бажаришдан бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди, қонунчиликда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

4.3. Шартнома бўйича мажбуриятларнинг бажарилиши санаси ҳисобварақ-фактура тузилган кун деб ҳисобланади.

Ҳазначилик штампда кўрсатилган сана Буюртмачининг хизматлар учун тўловларни тўлаш бўйича мажбуриятларини бажарадиган кун ҳисобланади.

4.4. Буюртмачининг розилиги билан хизматлар муддатидан олдин тақдим этилиши мумкин.

4.5. Буюртмачи белгиланган муддатларни бузган ҳолда кўрсатилган хизматни қабул қилишни рад этишга ҳақлидир.

4.6. Белгиланган миқдордан ортиқ битта номдаги хизматни кўрсатиш ҳудди шу техник топшириққа киритилган бошқа номдаги хизматнинг камчиликларини тўлдириш деб ҳисобланмайди, камчиликлар тўлдирилиши лозим, Буюртмачининг олдиндан ёзма розилиги билан амалга ошириладиган ҳолатлар бундан мустасно.

4.7. Кўрсатилаётган хизмат тўғридан-тўғри Буюртмачининг масъул ходимлари томонидан тақдим этилаётган хизматлар ҳажми, уларнинг сифати кўрсатилган ҳисобварақ-фактура бўйича қабул қилинади.

Шартномада назарда тутилган хизматлар ушбу шартномага мувофиқ ёки ушбу шартномада белгиланган муддатларда ва ҳажмларда амалга оширилади.

Буюртма бевосита (қўлда), почта орқали ёки бошқа усул билан хизматларни кўрсатиш назарда тутилаётган сана бошланишидан беш кундан кечиктирмай тақдим этилади. Буюртма бевосита (қўлда) қабул қилганда, Бажарувчининг ходими Буюртмачида қоладиган буюртма нусхасида қабул қилинганлиги тўғрисида белги қўяди.

4.8. Буюртмачи илгари берилган буюртмани бекор қилишга ёки хизматларнинг тегишли қисмини кўрсатиш санасини Бажарувчини буюртмада кўрсатилган санадан камида бир кун олдин хабар берган ҳолда ўзгартиришга ҳақли.

V. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Тақдим этилаётган хизматларнинг сифати, миқдори, уларнинг баҳоси Бажарувчи томонидан нотўғри белгиланганлик ҳолати аниқланган тақдирда, Бажарувчи тақдим этилаётган хизматларнинг сифатини, шунингдек уларнинг миқдорини ҳисобга олган ҳолда қайта ҳисоб-китоб ишларини амалга оширади ва ушбу ҳисобланган суммага қўшимча равишда миқдорга нотўғри ҳисобланган сумманинг 20% миқдорида жарима тўлайди.

5.2. Агар тақдим этилаётган хизматларнинг сифати шартномада кўрсатилган техник ва бошқа шартларнинг талабларига жавоб бермаса, айбдор томон тақдим этилган сифати лозим даражада бўлмаган хизматлар баҳосининг 20% миқдорида жарима тўлайди.

5.3. Жарима ва пенядан ташқари, Бажарувчи Буюртмачига хизматларни тақдим этмаслик натижасида этказилган зарарни қоплайди.

5.4. Хизматлар кечиктирилган ёки кўрсатилмаган тақдирда, Бажарувчи Буюртмачига ҳар бир кечиктирилган кун учун мажбуриятнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, аммо жариманинг умумий миқдори кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоизидан ошмаслиги керак. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган томонни шартномани тўғри бажаришдан ва хизматларни кечиктириш ёки кўрсатмаслик оқибатида этказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.

5.5. Кўрсатилган хизматлар учун тўловни ўз вақтида тўламаган тақдирда, Буюртмачи Бажарувчига ҳар бир кечиктирилган кун учун муддати ўтган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, лекин муддати ўтган тўлов миқдорининг 50 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

5.6. Буюртмачи шартноманинг тегишли шартини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун жавобгарликка тортилганда, тегишли ҳаракат (ҳаракатсизлик) натижасида Буюртмачи томонидан шартнома шартлари бажарилмаганлиги (лозим даражада бажарилмаганлиги) юзасидан Бажарувчининг жавобгарлиги ҳам кўриб чиқилади.

Буюртмачининг Бажарувчи айби билан шартномани бажармаганлиги (лозим даражада бажарилмаганлиги) натижасида этказилган зарар, белгиланган тартибда Бажарувчи томонидан қопланади.

5.7. Томонларнинг ушбу шартномада кўзда тутилмаган жавобгарлик масалалари Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳал қилинади.

VI. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

6.1. Томонлар ўртасида ушбу келишувдан келиб чиқадиган низолар томонлар ўртасида музокаралар йўли билан ҳал қилинади.

6.2. Томонлар ўртасидаги музокаралар йўли билан ҳал қилинмаган низолар Тошкент шаҳар туманлараро иқтисодий судида ҳал қилинади.

VII. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАРИ

7.1. Агар ушбу шартнома тузилгандан сўнг, ушбу шартномада белгиланган мажбуриятларнинг биров бир томонини тўлиқ ёки қисман тўғри бажаришига тўсқинлик қиладиган ҳолатлар юзага келса ва агар бундай ҳолатлар, яъни ёнғин, тошқин, zilзила, бошқа табиий офатлар, экспорт ёки импортга тўсиқлар ёки эмбарголар, уруш, жанговар ҳаракатлар, террористик ҳаракатлар, иш ташлашлар (томонлар ишчиларининг иш ташлашларидан ташқари), пандемия, амалдаги қонунчиликдаги ўзгаришлар, давлат органлари ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан қабул қилинган умумий характердаги қарорлар томонларнинг шартнома шартларини бажаришига бевосита таъсир қилса, тегишли мажбуриятларнинг бажарилиши вақти бундай ҳолатлар бартараф этилган вақтга ёки уларнинг оқибатлари тугаши вақтига кўчирилади.

7.2. Форс-мажор ҳолатлари юзага келган Томон, ушбу ҳолат ҳақида шунингдек, ҳолатнинг тахминий давомийлиги тўғрисида бошқа Томонни ёзма равишда 7 (етти) кун ичида хабардор қилиши шарт. Агар юқорида кўрсатилган ҳолатлар тўғрисида ўз вақтида хабар берилмаган бўлса, енгиб бўлмас куч таъсирида зарар етказилган Томон ушбу ҳолатларни асос қилиб ололмайди.

7.3. Хабарномада кўрсатилган фактлар расмий манбалар томонидан берилган ҳужжатлар билан тасдиқланиши керак, шу жумладан, пресс-релизлар, бироқ улар билан чекланмаслик лозим. Бундай хабарноманинг йўқлиги, шунингдек тегишли далилларнинг йўқлиги ушбу томонни шартнома мажбуриятларини бажаришдан озод қилинишига асос сифатида юқоридаги ҳолатларни келтириш ҳуқуқидан маҳрум қилади.

7.4. Фавқулодда вазиятлар юзага келган тақдирда, томонлар зудлик билан ўзаро музокаралар олиб борадилар ва фавқулодда вазиятлар оқибатларини бартараф этиш ёки бартараф этиш мақсадида кўриладиган чоралар тўғрисида келишиб оладилар.

7.5. Агар форс-мажор ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари томонларнинг ўз мажбуриятларини бажаришига тўсқинлик қиладиган бўлса, томонларнинг ҳар бири бошқа томонга ушбу шартномани бекор қилишнинг қутилаётган санасидан 10 (ўн) иш куни олдин ёзма равишда хабар юборганидан кейин ушбу шартномани бекор қилиш ҳуқуқига эга. Бундай ҳолда томонларнинг ҳеч бири бошқа томондан форс-мажор ҳолатлари нагижасида етказилган зарарни қоплашни талаб қилишга ҳақли эмас. Шунингдек, Бажарувчи бажарилмаган мажбуриятлари учун Буюртмачидан олинган барча тўловларни Буюртмачига қайтаради ва Буюртмачи Бажарувчининг бажарилган барча мажбуриятларини тўлиқ тўлайди.

VIII. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШ

8.1. Ушбу Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажараётганда Томонлар, уларнинг шериклари, ишчилари ёки воситачилари ҳар қандай ноқонуний устунликларга ёки бошқа ноқонуний мақсадларга эришиш учун бевосита ёки билвосита пул маблағлари ёки қимматликларни тўлашни амалга оширмайди.

8.2. Ушбу Шартнома мажбуриятларини бажараётганда Томонлар, уларнинг шериклари, ишчилари ёки воситачилари пора бериш/олиш, тижорий пора олиш, шунингдек амалдаги қонунчилик ва халқаро ҳужжатларнинг талабларини бузадиган ҳаракатларни амалга оширмайдилар. Жиноий йўл билан топилган даромадларни легаллаштиришга қарши курашишга оид халқаро ҳужжатлар талабларини бузилиши каби ҳаракатларни амалга оширмайди.

8.3. Ушбу Шартнома Томонларининг ҳар бири бошқа Томоннинг ходимларини ҳар қандай тарзда рағбатлантиришдан, шу жумладан пул маблағлари, совғалар бериш, уларга иш (хизматлар)ни бепул бажариши ва ушбу бандда кўрсатилмаган бошқа усуллар билан ходимнинг рағбатлантирувчи томон фойдасига ҳар қандай ҳаракатларни содир этишдан бош тортади.

Ходимнинг уни рағбатлантирувчи томон фойдасига амалга оширган ҳаракатлари ҳақида куйидагилар тушунилади:

– бошқа контрагентлар билан таққослаганда асоссиз устунликларни тақдим этиш;

– ҳар қандай кафолатлар билан таъминлаш;

– амалдаги тартиб-таомилларни тезлантириш;

– ходим томонидан ўз вазифалари доирасида амалга ошириладиган, ammo Томонлар ўртасидаги муносабатларнинг шаффофлиги ва очиқлиги тамойилларига зид бўлган бошқа ҳаракатлар.

8.4. Агар Томонлардан бири мазкур шартноманинг 2-иловасида келтирилган коррупцияга қарши курашиш шартларини бузган ёки бузиши мумкин деб гумон қилса, иккинчи Томонни ёзма равишда хабардор қилишга мажбур. Ёзма хабарномадан сўнг, тегишли Томон ушбу Шартнома бўйича

8.5. Ёзма хабарномада Томон контрагент, унинг шериклари, ишчилари ёки воситачилари томонидан ушбу шартлар ва қоидаларнинг бузилганлиги ёки бузилиши мумкинлигини ишончли тарзда тасдиқлайдиган ёки асослаши мумкин бўлган фактларга таяниши ёки тегишли материалларни тақдим этишга мажбур, яъни пора олиш/бериш, тижорий пора олиш, шунингдек амалдаги қонунчилик ва жинойий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши кураш бўйича халқаро ҳужжатлар талабларини бузадиган ҳаракатлар асослангирилиши лозим.

8.6. Шартноманинг тарафлари коррупциянинг олдини олиш чораларини кўриш тартиб-таомилларини тан олади ва уларга риоя этилишини назорат қилади. Бунда Томонлар коррупциявий фаолият билан шуғулланиши мумкин бўлган контрагентлар билан ишбилармонлик муносабатлари хавфини минималлаштириш, шунингдек, коррупциянинг олдини олиш мақсадида бир-бирига ўзаро ёрдам бериш учун оқилона ҳаракатларни амалга оширадilar. Шунингдек, Томонлар коррупциявий фаолиятга Томонларнинг иштироки хавфини олдини олиш мақсадида текширувлар ўтказиш тартиб-таомилларини амалга оширилишини таъминлайдилар.

8.7. Томонлар ўзларининг содир этилиши мумкин бўлган ноқонуний хатти-ҳаракатлари ва ушбу Шартноманинг коррупцияга қарши курашиш шартларининг бузилиши контрагентнинг ишончилиги рейтингини пасайтиришидан тортиб ушбу шартноманинг бекор қилинишигача бўлган ноҳуш оқибатларга олиб келиши мумкинлигини тан олади.

8.8. Томонлар махфийлик тамойилларига риоя қилган ҳолда ушбу Шартномани бажариш доирасида келтирилган фактлар бўйича тегишли тартиб-таомиллар амалга оширилишини ва амалий қийинчиликларни бартараф этиш ва юзага келиши мумкин бўлган низоли вазиятларнинг олдини олиш бўйича самарали чораларни қўллашни кафолатлайдилар.

8.9. Томонлар ушбу Шартноманинг коррупцияга қарши курашиш шартларини бажариш бўйича тўлиқ махфийликни, шунингдек, талаблар бузилганлиги фактлари тўғрисида хабар берган Томон учун ҳам, шунингдек, хабар берган Томоннинг ходимлари учун ҳам салбий оқибатлар келтирмаслигини кафолатлайдилар.

IX. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ

9.1. Ушбу шартнома Томонлар имзолаган кундан бошлаб кучга киради ва 2022-йил 31-декабргача амал қилади.

9.2. Томонлар ўртасидаги муносабатлар ушбу шартноманинг барча шартлари бажарилганда ва ҳисоб-китоблар тўлиқ амалга оширилганда тугайди.

X. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

10.1. Ушбу Шартнома томонларнинг келишуви билан ёки Томонлардан бирининг талабига биноан, бошқа томон томонидан шартнома шартлари сезиларли даражада бузилган тақдирда суд томонидан бекор қилиниши мумкин.

10.2. Ушбу шартномага киритилган ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар фақат ёзма равишда тузилган ва тарафларнинг тегишли ваколатли вакиллари томонидан имзоланган тақдирда амал қилади.

10.3. Ушбу шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилди.

10.4. Ушбу шартнома, унга киритилган ўзгартиришлар (қўшимчалар) томонлар томонидан имзоланган пайдан бошлаб оширилади.

XI. ТОМОНЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ИМЗОЛАРИ

Бажарувчи:

"Инвент дизайн сервис" МЧЖ

Манзил: Наманган шаҳар

Тел: 93-499-14-10

Р/с 20208000100216881001

Банк реквизитлари: Наманган

т., Микрокредитбанк АТБ Тошбулок ф.

МФО 00254

ИНН: 302587154

ОКЭД: _____

Буюртмачи:

Янгиқургон тумани халқ таълими бўлими

Манзил: Янгиқургон тумани 4- сонли мактаб

Р/с: 100022860142427092100075132

Л/с: _____

Банк реквизитлари: Тошкент ш., Марказий Банк

ХККМ

МФО 00014

ИНН: 200119153

ОКЭД: _____

V.UZ тизими орқали ЭРИ билан тасдиқланган, Ҳужжат коди: RE45132141

ОКЭД:



Буюртмачи

Аюмов



Ўзбекистон
Республикаси
Қурилуш вазирлиги



Қўлдан берилган: ОБЩЕСТВО С ОГРАНИЧЕННОЙ
ОТВЕТСТВЕННОСТЬЮ «INVENT DIZAYN SERVIS»
Қўбув берилган: идентификация рақами: 302587154

№ 1104-78-020-000-1480-3105-0009
Хужжат айтиш шифри: 2020-06-16
Архив рақами: 19847-035

**Архитектура-шаҳарсозлик ҳужжатларини шиләб чиқиш фаолиятини амалга ошириш учун
ЛИЦЕНЗИЯ**

ОБЩЕСТВО С ОГРАНИЧЕННОЙ ОТВЕТСТВЕННОСТЬЮ «INVENT DIZAYN SERVIS» га

объектларнинг мураббажлик топқалари классификатори бўйича И тоифадаги объектлар учун
қўлдаги:

Тузиқ комплексда лойиқлаш бўйича фаолият турлари. А тусуқи Уй-жой-хўжалик қурилуши учун
объектлар ва комплекслар лойиқа-смета ҳужжатларини яратиш, шу жумладан уларнинг
муандислик тармақлари ва тизимларини лойиқлаштириш; фаолият турлари билан
қўшулганшга эътибор берилди.

Лицензия берилган сана: 16-06-2020 йил.

Лицензия рақами: АЛ-000072

Сониқ гуловчининг идентификация рақами (СТИР): 302587154

Юридик шахснинг почта манзили: НАМАҒАН ТУНАМИ ТОШНУБЎЛОQ ШАНАРХАСИ


Лицензия амал қилган муддати чекланмаган.

ТУСУНОВ АСКАР ШИРАБИЕВИЧ

Мана бу ҳужжат қўлдан берилган. Мухтасарнома 2017 йил 15 сентябрда 228-сон
қарори билан таъсис қилинган Ўзбекистон Республикаси Ягона давлатлик рақам
таъқиқлаш шифри (13) рақамдан шиләб чиқиш фаолиятини амалга ошириш учун
қўлдаги объектлар бўйича лицензия берилди. Электрон ҳужжатнинг муҳаббат қўлуви
қўлдан берилган. Тўрақнинг лойиқлаш учун тўрақ ва лойиқлаш шифри
лицензия ҳужжатини: Ягона рақамли рақамли шиләб чиқиш шифрида ОВ
қўлдаги объектлар: Шиләб чиқиш фаолияти: Мажбурий 2017 йил 15 сентябрда
28-сон қарорига мувофиқ лойиқа-смета ҳужжатларини шиләб чиқиш учун
қўлдаги объектлар Ягона рақамли шиләб чиқиш шифрида
қўлдаги объектлар шиләб чиқиш фаолиятини амалга ошириш учун



4183



**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ҚУРИЛУШ ОТИМАЗИ ТУГЪУСИДА
ГУВОННОМА**

Расмидagi тартиб рақами - **63** № **63**

2013 йил 23 апрел


Маъруз гувоҳнома, ушбу шарт

«INVENT DIZAYN SERVIS» mas'uliyati cheklangan jamiyati

Ushbu shart bo'yicha o'zlashtirilgan ushbu shartnomaga yur' uchirishni va ushbu shartnomani ko'rsatishni

Belgisi	TXSH
Tashkiliy tuzilishi shakli	MSH (MC)
Maqsadli shakli	MHOBT (COATO)
Rechtli amali	KTUT (OKPIO)
Yuridik shaxs turi	Solq to'lovchisi identifikatsiya raqami STIR (HHH)
Tarraq turi	XXTUT (OKOHX)

Qo'shimcha ma'lumotlar: Maъzur guvohnomani qabul qilish uchun qo'shimcha



(Signature)
(Impo)

I.T.Boynanov.

Протокол закупочной комиссии по отбору наилучшего предложения лот № 166723 на приобретение "Қизилқиёқ" МФЙ-да жойлашган 4 мактаб биносини эшик ва деразаларини алмаштириш учун лойха смета хужжатларини тайёрлаш.

Способ проведения электронный

Дата 28.10.2022

Время рассмотрения 28.10.2022 16:26

Закупочная комиссия Янгикурган туман халк таълими булими марказлашган бухгалтерия, (Далее – Комиссия) в составе:

Председатель комиссии	KUCHKOROV ISOKJON ISMOILOVICH	Мудир уринбосари	Янгикурган туман ХТБ
Секретарь комиссии	SULAYMANOV TURSUNALI YUSUFJANOVICH	услугчи	халк таълими
Член комиссии	ABDULLAYEVA SHOXISTA G'ULOMJONOVNA	мутахасис	халк таълими
Член комиссии	SUFJONOV SHUXRATJON RAXIMJONOVICH	курилиш ишлари буйича мухандис	халк таълими
Член комиссии	NASRIDDINOV SHAVKAT FAZLIDDINOVICH	Ўринбосар	Янгиқўрган ХТБ
Член комиссии	ISLAMOV ULUG'BEK ISMOILJONOVICH	Бош хисобчи	Янгикурган туман ХТБ

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 28.10.2022 года № лота 166723.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.техничко-квалификационной части: 90.00 / Весовой коэф. ценовой части: 10.00)

Мин. балл: 65

Предмет закупки:

Наименование товара (работы, услуги)	Услуга по разработке проектно-сметных работ
Подробное описание	4 мактаб биносини эшик ва деразаларини алмаштириш учун лойха смета хужжатларини тайёрлаш.
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	7 335 000.00
Стартовая сумма	7 335 000.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Танловдаги объектга ўхшаш объектларда охирги қилинган иш тажрибаси.

Тип: Текстовое значение

Описание: Охирги йилларда тайёрланган лойҳалар.

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
INVENT DIZAYN SERVIS MCHJ	15	15	10	Экспертная		
GRAND SANOAT LOYIHA MCHJ	15	Хужжатлар ПДФ куринишида такдим этилди	5	Экспертная		

Критерий №2 Танлов иштирокчисининг молиявий кўрсаткичлари.

Тип: Текстовое значение

Описание: Ташкилот баланси ва молиявий натижалар.

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
INVENT DIZAYN SERVIS MCHJ	15	15	10	Экспертная		
GRAND SANOAT LOYIHA MCHJ	15	Хужжатлар ПДФ куринишида такдим этилди	10	Экспертная		

Критерий №3 Танлов иштирокчисининг ишларни бажаришда фойдаланадиган механизмлари рўйхати.

Тип: Текстовое значение

Описание: Тасдиқланган холда рўйхат ва расмлари.

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
INVENT DIZAYN SERVIS MCHJ	20	20	20	Экспертная		
GRAND SANOAT LOYIHA MCHJ	20	Хужжатлар ПДФ куринишида такдим этилди	20	Экспертная		

Критерий №4 Танловда қатнашиш кунида Давлат солиқ инспекциясидан, солиқлардан қарздорлиги йўқлиги тўғрисида маълумотнома.

Тип: Текстовое значение

Описание: Маълумотнома бўлиши керак

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
INVENT DIZAYN SERVIS MCHJ	10	10	10	Экспертная		
GRAND SANOAT LOYIHA MCHJ	10	Хужжатлар ПДФ куринишида такдим этилди	10	Экспертная		

Критерий №5 нарх шакллантирувчи компонентларнинг нархлари.

Тип: Текстовое значение

Описание: маълумотнома.

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
INVENT DIZAYN SERVIS MCHJ	20	20	10	Экспертная		
GRAND SANOAT LOYIHA MCHJ	20	Хужжатлар ПДФ курунишида такдим этилди	10	Экспертная		

Критерий №6 Танлов савдо иштирокчиси тўғрисидаги умумий ахборот

Тип: Текстовое значение

Описание: Тасдиқланган бўлиши керак

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
INVENT DIZAYN SERVIS MCHJ	20	20	10	Экспертная		
GRAND SANOAT LOYIHA MCHJ	20	Хужжатлар ПДФ курунишида такдим этилди	10	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Сумма с учетом конвертации (UZS)	Применение преференции	Общее значение (UZS)	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
INVENT DIZAYN SERVIS MCHJ	7 335 000.00	7 200 000.00 UZS	7 200 000.00	00.00	7 200 000.00	24.10.2022 14:53:54	10
GRAND SANOAT LOYIHA MCHJ	7 335 000.00	7 300 000.00 UZS	7 300 000.00	00.00	7 300 000.00	24.10.2022 16:18:55	9.86301

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
INVENT DIZAYN SERVIS MCHJ	63	10	73
GRAND SANOAT LOYIHA MCHJ	58.5	9.86301	68.36301

Закупочная комиссия по отбору наилучшего предложения лот № 166723 от 28.10.2022 года на приобретение

"Инвент Дизайн Сервис" МФЙ-да жойлашган 4 мактаб биносини эшик ва деразаларини алмаштириш учун лойха смета шартларини тайёрлаш. определила победителем:

INVENT DIZAYN SERVIS MЧЖ
302587154

и резервный исполнитель: GRAND SANOAT LOYIHA MCHJ (306674415)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
Председатель комиссии	KUCHKOROV ISOKJON ISMOILOVICH	Согласен	
Член комиссии	ABDULLAYEVA SHOXISTA G'ULOMJONOVNA	Согласен	
Член комиссии	SUFIJONOV SHUXRATJON RAXIMJONOVICH	Согласен	
Член комиссии	NASRIDDINOV SHAVKAT FAZLIDDINOVICH	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП